



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**SO'X TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

151400, So'x tumani, Ravon ko'chasi, 102-uy, tel.:(998 73) 462 57 71  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: sux.t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'GRISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA №HL 4803886505**

**1.Loyihaning turi.**

**SHARTNOMA №2**

**2.Loyihaning nomi.**

Sux tuman maktabgacha tahlim bulimi oziq ovqat mahsulotlari xarid qilish to'g'risidagi 2-sonli shartnomasi

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana to'g'risidagi ma'lumot.**

Fargona viloyati Adliya boshqarmasi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlari yuridik xizmat ko'rsatish So'x tumani markaziga So'x tuman maktabgacha tahtim bo'limi tomonidan 2-sonli shartnoma loyihasini ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

So'x tuman Maktabgacha tahlim bulimi tomonidan 20.01.2022 2-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish va imzolash maqsadga muvofiq.

**So'x tumani Yuridik xizmat**

**ko'rsatish markazi**

**bosh yuristkonsulti :**

**20.01.2022**



**F. Boboev**

## ШАРТНОМА № 2

(Товар-моддий бойликлар, озик-овкат, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

"20" Январ 2022 йил

Сўх тумани

Сўх Мактабгача таълим бўлими раҳбари Усмонова Гулнозахон Джелоновна бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи, иккинчи томондан Сух Давлат таъминот МЧЖ раҳбари Р.Бахронов Низом асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Озик овкат махсулотини сотиш ва етказиб бериш.

### 2. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1. Махсулотлар куйидагиларча етказиб берилади. ККС сиз

№	Махсулот номи	Ул бир	Микдор	Нарх	Суммаси
1	Чой	кг	4	28000	112000
2	Нон	кг	2125	3000	6375000
3	Сарёғ	кг	280	36000	10080000
4	Гушт	кг	1590	50000	79500000
5	Тухм	дона	4580	1100	5038000
6	пишлок	кг	220	26000	5720000
7	томат	кг	109	14000	1526000
8	усимлик ёғи	кг	126	18000	2268000
9	сут	литр	2839	9000	25551000
10	туз	кг	50	1500	75000
11	печений	кг	140	14000	1960000
12	творог	кг	250	15000	3750000
13	сметана	кг	120	12000	1440000
14	ун	кг	220	2800	616000
15	шакар	кг	425	8000	3400000
16	Переловка	кг	70	7500	525000
17	Горох	кг	70	7500	525000
18	Гречка	кг	70	12000	840000
19	Манния ёрма	кг	70	10000	700000
	жамми				150 001 000

2 Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Бир юз еллик миллион юз сўм 00т

### 3. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдориди пул утказиш йули билан туловни амалга оширади колган 70% ни махсулот тулик етказиб берилгандан сунг 60 кун давомида тулаб берилади, олинаётган озик-овкат махсулотлари учун нархи туман Дехқон бозори томонидан тақдим этилган нарх асосида келишиб олинади.

3.2. Товарлар «Сотувчи» "Сотиб олувчи" томонидан курсатилган манзилга етказиб бериши шарт.

### 4. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1 (бир) ойлик муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

4.2. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш товарларни сотиб олувчига жўнатиш йўли билан жўнатиш разнарядкаси орқали амалга оширилади.

4.3. Жўнатиш разнарядкасининг жадвали шартномага илова қилинади.

4.4. Товарлар фақат Сотувчи корхонанинг номи ва шакли қарашли автомашинада етказилиши керак.

4.5. Сотиб олувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

4.6. Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

### 5. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт. Гўшт, сут маҳсулотлари туман ветеринария хулосаси ҳамда ҳисоб-варақлари билан топширишлари шарт.

## **6. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **6.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:**

- сотилган товар ҳақини тўлашни.
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни.
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни.
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.
- Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

### **6.2. Сотувчининг мажбуриятлари:**

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида "Сотиб олувчи"га товарни етказиб бериш
  - товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
  - шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
  - шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
  - шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
  - учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги туғрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини кайтариб бериш.
- "Сотувчи"
- етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ маҳсулот категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларини расмийлаштириш шарт.

### **6.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:**

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

### **6.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:**

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши туғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

## **7. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК**

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотиб олувчи» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ булмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 % миқдорда жарима тулайди.

7.4. «Сотувчи» томонидан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (сотувчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;  
 харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;  
 товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;  
 харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;  
 кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.  
 Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

7.6. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

7.7. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Шартномани бузиш куйидаги ҳолларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;

- товарларни етказиб бериш муддатларини бузиш.

7.8. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқалар

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч 1(бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

## 9. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмас Иқтисодий суд ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 йилдан 2022 йил «31» Декабргача амал қилади. Шартнома тегишли газначилик бўлинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга қиради.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

Сух Давлат таъминот МЧЖ

Манзил: Сух туман Янгиарик

Тел./факс +998996065560

(х/в ёки шҒХ 20208000904317311001

Банк номи *Агро Банк Сух ҶШЖ*  
Тошкент шаҳар TENGE BANK

МФО:00542 СТИР: 204946508

ИФУТ \_\_\_\_\_

«Буюртмачи»

Сух туман МТБ

Манзил: Ровон кишлоғи

Тел./факс 73 462 58 44

шҒХ\*100022860302267091100251001

Ташкилотнинг СТИРи 305155475

ИФУТ \_\_\_\_\_

Ғазначилик бўлинмасининг номи \_\_\_\_\_

ЯҒХ23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО:00014 Ғазначилик бўлинмасининг

СТИРи \_\_\_\_\_

Буюртмачи раҳбари \_\_\_\_\_

Г.Усмонова



Раҳбар

Р.Бахронов

